**№ 19/08- сонли ШАРТНОМА**

**Фаргона шахри** **29.08.2022 йил**

**Фарғона вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси** буйича фаолият юритувчи, директор **С.Хасанов** иштирокида бир томондан "БУЮРТМАЧИ" аталиб ва иккинчи томондан SUVLOYIXA DUK номидан уставга асосан фаолият юритувчи рахбари Ғаниев Ш иштирокида “БАЖАРУВЧИ” аталиб ушбу шартномани тузадилар.

## I.ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Бажарувчи» уз зиммасига «Буюртмачи»нинг буюртмасига биноан куйидаги ишларни (хизматларни) бажариш мажбурияини олади: Фарғона тумани Оқбилол сел омборини хажмини махсус ускуна ёрдамида хисоблаш.

1.2. «Буюртмачи» эса бажарилган ишлар (хизматлар) хакини мазкур шартномада курсатилган шартлар буйича тулашни уз зиммасига олади.

## II.БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ.

2.1. Мазкур шартномага асосан ишларнинг бажарилиш муддати куйидагича белгиланади: Шартнома икки томонлама имзолангандан кейин 10 кун ичида.

2.2. «Буюртмачи» бажариладиган ишлар буйича «Бажарувчи»га бажариладиган ишларни амалга ошириши учун талаб даражасида шароитлар яратиб беради.

2.3. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишлар тулик бажарилгандан кейин 2 кун ичида узаро «Бажарилган ишлар далолатномаси»ни тузилиб, томонлар томонидан имзоланади.

## III. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартномага асосан бажариладиган умумий иш хажми куйидаги суммани ташкил 40 000 000 сўм (Қириқ миллион) сўм шундан ҚҚС солиғи 5217391.30 (беш миллион икки юзи ўн этти минг ўттиз тўққиз сўм) 13 тийин

3.2. Тулов муддати: «Бажарувчи» томонидан «Бажарилган ишлар далолатномаси»_такдим этилиб, томонлар томонидан имзолангандан кейин 30 календар кун ичида.

3.3. Тулов шакли. Буюртмачи Бажарувчига шартнома имзолангандан сўнг 10 кун ичида шартнома умумий қиймати 30% миқдорини 12 000 000 миллион сўм лдиндан тўлайди, қолган 70% миқдорини ишлар бажарилгандан сўнг топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва хисоб-фактура имзоланганидан кейин 10 кун ичида тўлов амалга оширилади.

## IV. БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома буйича курсатилган таъмирлаш ишлари тугагандан кейин давлат назорат куригидан утказилади, бу тугрида тасдикловчи хужжат такдим этилади ва «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангандан сунг барча ишлар тугалланган хисобланади. (2.3)

4.2. Иш муддатидан олдин бажарилганда «Буюртмачи» ишни муддатидан олдин кабул килиш ва келишилган нархда хак тулаш хукукига эга (2.1.)

4.3. «Буюртмачи» хакикатда бажарилган ишни «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангунча рад килиши мумкин.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган ишлар муддатини кечиктиргани учун хар бир кечиктирилган кун учун «Буюртмачи»га умумий сумманинг 0,5 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган микдорида тавон (пеня) тулайди.

5.2. «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар учун уз муддатида хак туланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун «Бажарувчи»га умумий сумманинг 0,5 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган микдорида тавон (пеня) тулайди.

Сканировано с CamScanner

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришга томонлар амалдаги конунчиликка асосан жавобгардирлар .

6.2. Баъзи бир сабабларга кура таъмирлаш ишлари чузилиб кетган холда узаро томонлар келишувига асосан оралик далолатнома тузилади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Томонларнинг хеч бири бошка томон олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган холатлар, бунга кушиб харбий харакатлар, ёнгин, сув босиши, зилзила ва бошка табиий офатлар каби бартараф этиб булмайдиган холат (куч)ларнинг мавжудлиги билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2. Уз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга юкоридаги 7.1 - бандида курсатилган холатлар таъсир курсатиши ёки монелик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

## VIII. НИЗОЛАРНИ АМАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик холда пайдо буладиган барча низолар ёки келишилмовчиликлар томонлар уртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишилмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида курилишига тегишли булади.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома уни икки томонлама имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг амал килиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача. Агар томонлар томонидан ушбу шартноманинг шартлари бажарилмаса, унинг амал килиш муддати томонлар томонидан ушбу шартноманинг шартлари тулик бажарилгунча чузилади.

9.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди, хар бир томонлар учун бир нусхадан.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| « Буюртмачи » | « Бажарувчи » |
|---|---|
| **Фарғона вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси**<br>**Фаргона шахри, Фергана Ал-фарғоний 72-уй Х/Р: 23402000300100001010**<br>**МФО: 00014, Тошкент Марказий банк**<br>**Шхр: 100021860302427042402170003**<br>**ИНН: 207184244**<br><br>**Тел.: +998913259142** | **"SUVLOYIXA" DUK**<br>**Фаргона шахри, Фергана Ал-фарғоний 53-уй Х/Р: 20210000000153936001**<br>**МФО: 00446, Тошкент Турон банк**<br>**ИНН: 201059078** |
| **Директор :** ____________ **С.Хасанов** | **Директор:** ____________ **Ш.Ғаниев** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI "SUVLOYIXA" DAVLAT UNITAR KORXONASI FARG'ONA VILOYATI FILIALI

юрист;

Сканировано с CamScanner

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
СУВ ОМБОРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ »
_________________________ **С.Хасанов**

«_29__»_08__ 2022й

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Фарғона ш. 2022 йил.

Сканировано с CamScanner

| № | Маьлумотлар Рўйхати | **Асосий маьлумотлар ва талаблар** |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи: | «ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ» |
| 2 | Буюртмачининг юридик манзили: | Фарғона вилояти<br>Фарғона шахар. Ал фарғоний кўчаси 72-уй |
| 3 | Объект номи | Фарғона вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тассаруфидаги Фарғона тумани Оқбилол сел омборини хажмини махсус ускуна ёрдамида хисоблаш |
| 4 | Объект Жойланган майдони | Фарғона тумани, Олтиариқ тумани ва Ўзбекистон тумани |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | Ситатистика бошқармаси томонидан ташкилотни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси. Корхона низомидан нусха. Корхонаниг иш бажариш хуқуқини берувчи лицензия нусхаси. Корхона рахбарининг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма ва паспорт нусхаси. Охирги беш йилда бажарилган ишлар тўғрисида маьлумотлар. Давлат Солиқ қумитасидан (Солиққарздорлиги тўғрисида) маьлумотнома (акт сверка) асли. Банкдан картатека бор ёки йўқлиги тўғрисида маьлумотнома (форма-2). Корхонада малакалий ходимларнинг мавжудлигининг,маьлумоти ва мутахасисслиги (диплом ва мехнат дафтарчасидан нусхалар иловалар қилиниши шарт) Бино-иншоат, автомашина,техника,технология, асбоб ускуналар рўйхати (Техпаспорт,хисоб-фактура, ижара шартномаларидан нусха). Тижорат таклифларда иш (хизмат)ларини бажариш муддатлари кўрсатилган холда бўлсин. Зарур техника воситалари ишлаб чиқарилган йили 2015 йилдан кам бўлмасин. Қурилиш таьмирлаш сохасида камида 10 йил иш тажрибага эга бўлиши шарт. Халқаро стандартларга жавоб берадиган цефтификатлар бўлсин. |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Хисоб фактура орқали ойни охириги 25 ёки 30 санасига амалга оширилади |
| 7 | Иш тури | Смета асосида бюртмачи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш |
| 8 | Иш бажариш муддати | 2022 йил 3-чорак давомида |
| 9 | Молиялаштириш манбайи | Махаллий бюджет |

Сканировано с CamScanner

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
СУВ ОМБОРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ »
________________________ **С.Хасанов**

«_29__»_08__ 2022й

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Фарғона ш. 2022 йил.

Сканировано с CamScanner

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

# I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

# II. Техник қисм

# III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Фарғона вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тассаруфидаги Оқбилол сел омборини хажмини махсус ускуна ёрдамида хисоблаш.

1.2. Танлов қиймати : 40 000 000 (Ўн икки миллион тўққиз юз минг) сум .

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фарғона ш. Ал-фарғоний 72-уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.



Сканировано с CamScanner

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

● Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

● Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

● Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.



Сканировано с CamScanner

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



Сканировано с CamScanner

my.gov.uz
**Ягона Интерактив Давлат Хизматлари Портали**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

№ 8524-725e-aaae-899b-cee7-0272-0933
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-04-30
Ариза рақами: 18763928

Ҳужжат берилган: ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "SUVLOYIXA"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 201059078

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ**

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "SUVLOYIXA" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-04-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000694

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 201059078

Юридик шахснинг почта манзили: ГОРОД ТАШКЕНТ, ШАЙХАНТАХУРСКИЙ РАЙО 1а

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

0925

Сканировано с CamScanner

006718

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SUVLOYIXA" Davlat unitar korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SUVLOYIXA" DUK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26 11 1996    008367-09    ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 201059078

Tashkiliy-huquqiy shakli: Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, Labzak ko'chasi, 1a-uy,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Сканировано с CamScanner

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
Фарғона вилоят сув омборларидан
фойдаланиш бошқармаси
С.А.Хасанов

29.08.2022 йил Фарғона ш.

Фаргона вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошыармаси томонидан 29.08.2022 йил кунги лот №22110012132929 билан Оқбилол сел омборини хажмини махсус ускуна ёрдамида хисоблаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**Б А Ё Н И № 1**

| | | |
|---|---|---|
| **Қатнашдилар:** | С.Хасанов | - *бошқарма бошлиғи* |
| | Р.Шокиров | - *Бош хисобчи* |
| | С.Саидолимов | - *Бош иқтисодчи* |
| | А.Олимов | - *Омбор мудири* |
| | М.Бакиров | - *Сув омбори бошлиғи* |
| | А.Одилов | - *Бош Механик* |

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA
2. SUVLOYIXA DUK

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи SUVLOYIXA DUK билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.
Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари** Р.Шокиров

А.Одилов

А.Олимов

М.Бакиров

**Йиғилиш котиби:** С.Саидолимов

Сканировано с CamScanner